НЕМИСЧА СЎЗЛАШУВ КЕЧАСИ

ТОШКЕНТ. Давлат университетининг тиллар факультети кафедрасида талабалар байрам олди кечасини ўзига хос уюштиришди. Қизиғи шундаки, йигит-қизлар ўзаро сўзлашиш, шеърлар ўқиш, қизиқарли чиқишларда қатнашиш ва савол-жавобларни фақат немис тилида олиб бордилар. Кафедра мудири Д. Рашидова, доцент М. Саидбоева, ўқитувчилардан М. Аҳмедова, Ф. Раҳимова ва Г. Шомуродовалар Олмония ҳақида қизиқарли маълумотларни ўртоқлашдилар.

Зарбуви АЛҚАРОВА.

КИЧИК КОМБАЙНЛАР

АНДИЖОН. "Тожметалл" ҳиссадорлик жамиятида "Ўзбекистон дон маҳсулотлари" корпорацияси буюртмаси бўйича ПКШ русумли дон юклагич ҳамда кичик комбайнлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юклагичлар соатига 18 тонна маҳсулотни ортиш қувватига эга бўлса, комбайнда 500 килограмм дон янчиш мумкин. Бундай янги техникага қизиқиш ортиб бормоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ИНСОН, ФАН ВА БОЗОР

САМАРҚАНД. Республика Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими кооператив институти билан ҳамкорликда "Инсон, фан ва бозор" мавзуида халқаро анжуман ўтказди. Йиғилишда Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган олим ва тадқиқотчилар ҳам қатнашди. Профессор Э. Акрамов "Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг асосий якунлари" мавзуида маъруза қилди.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

ИККИ ЮЗ НАФАРГА КЎПАЙДИ

ЖИЗЗАХ. ЎзХДП шаҳар партия кенгаши ўтган 11 ой ичида икки юз нафарга яқин кишини партия сафига қабул қилди. "Ёшларни тарбиялаш ва улар билан ишлашга катта эътибор берилмоқда, — дейди шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Маматқул Иномов. — Аъзоликка қабул қилинганларнинг 78 нафари хотин-қизлардир. Жиззах, Пахтакор, Зафаробод ва бошқа туман партия ташкилотлари билан кенг қамровли тажриба алмашишлар йўлга қўйилган".

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ.

ЙИЛ ЙИГИТИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 30 декабрь, сешанба № 153 – 154 (22.237).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раёсатининг кенгайтирилган мажлисида йил давомида амалга оширилган ишларнинг ҳисоботи тингланди. Унинг халқаро миқёсдаги фаолияти тобора кенгаяётгани, чунончи, «Амир Темур ва инсон манфаатлари» мавзуидаги халқаро анжуманда республикамизнинг етакчи олимлари билан бирга Миср, Қувайт, Ҳиндистон, Афғонистон мутахассислари ҳам қатнашганлиги алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Бундан ташқари Покистон Марказий почта агентлиги соҳибқиронга бағишлаб почта маркаси чоп этганлиги ҳам жамғарма фаолиятининг салмоғини оширди.

***

Ўзбекистон Бадиий академияси Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда қомусий аллома, аниқ фанлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ ватандошимиз Аҳмад Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги юбилей рамзини яратиш бўйича танлов эълон қилди. Худди шунингдек, академия Самарқанд ва Бухоро ҳокимликлари билан биргаликда ҳадис илмининг равнақига улкан ҳисса қўшган аллома Имом Ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тадбирлари рамзи учун ҳам танлов эълон қилди. Лойиҳалар Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 40-уйда Ўзбекистон Бадиий академиясининг ахборот бошқармасида 1998 йил 8 январгача қабул қилинади.

***

Андижонда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва Олий Мажлис сессиясида Президент сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида келишиб олинди.

***

Ўзбекистон Давлат санъат музейида миллий либосларга ишланган безаклар — каштачилик ва турмуш анжомлари, яъни пичоқчилик, кулолчилик, терига ишлов бериш каби осори-атиқалар кўргазмаси очилди.

***

Хатирчи туманида ҳосил байрами ўтказилди. Бир гуруҳ меҳнат илғорлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ўтаётган йилда туманда пахта ҳосилдорлиги ҳар гектардан 27,3 центнерга етказилди. А. Халилов номидаги, И. Абдиев номидаги, Алишер Навоий номли ҳамда «Зарафшон» жамоа хўжаликлари улкан ҳосилга катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессияси. Қизғин суҳбат.

Владимир ПАНОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 30 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	52,70	1 Исландия кронаси	1,12	10 Португалия эскудоси	4,42	1000 Белорусь рубли	2,61
1 Австрия шиллинги	6,43	10 Испания песети	5,35	1 Сингапур доллари	48,12	1 Эстония кронаси	5,66
1 Англия фунт стерлинги	134,50	100 Италия лираси	4,61	1000 Туркия лираси	0,39	1 Латвия лати	135,65
10 Бельгия франки	21,95	1 Канада доллари	55,84	1 Финляндия маркаси	14,95	1 Литва лити	20,04
1 Голландия гульдени	40,20	1 Хитой юани	9,68	1 Франция франки	13,53	1 Қозоғистон тенгеси	1,06
10 Греция драхмаси	2,87	1 Қувайт динори	263,93	1 Швеция кронаси	10,34	1 Қирғизистон somи	4,61
1 Дания кронаси	11,88	100 Ливан фунти	5,27	1 Швейцария франки	56,02		
1 БАА дирхами	21,83	1 Малайзия рингити	20,64	1 ЭКЮ	89,39		
1 АҚШ доллари	80,17	1 Германия маркаси	45,26	10 Жанубий Корея вони	0,55		
1 Миср фунти	23,61	1 Норвегия кронаси	11,01	10 Япония иенаси	6,16		
1 Ирландия фунти	115,93	1 Польша злотийси	22,94	1000 Россия рубли	13,46		
				1 Украина гривнаси	42,28		

*) (Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1998 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, Олий Мажлис депутатларининг муҳокама давомида билдирган таклиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган 1998 йилги давлат бюджетининг лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджети бюджет тақчиллигининг энг юқори даражаси (мақсадли фондлар бунга кирмайди) ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 3,1 фоиз миқдорда белгиланган ҳолда маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

иқтисодий салоҳиятни янада ривожлантиришга, халқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ҳамда ижтимоий сиёсатни рўёбга чиқаришга биринчи навбатда маблағ ажратилишини таъминласин, бунда кадрлар тайёрлаш миллий дастури, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кучайтирилишини ўз вақтида ва тўлиқ молиявий таъминлашга алоҳида эътибор берсин;

давлат бюджетининг тақчиллигини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредитлари, давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан келадиган даромадлар ҳамда пулнинг қадрсизланиши билан боғлиқ бўлмаган бошқа манбалар жалб этилишини назарда тутсин;

Мамлакат бюджетининг 1998 йил биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўққиз ойидаги ижроси якунларига кўра, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан белгиланган тақчиллиги миқдори доирасида даромадлар ва харажатлар бўйича бюджетнинг асосий кўрсаткичларига аниқликлар киритиб борсин.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бюджетга тўловлар тўлиқ тушишини, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг харажат қисми ижросини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмининг бир фоизи миқдорида кредитлар бериб борсин.

5. Республика давлат бюджетининг 1998 йил 1 январдаги ҳолатга кўра амалдаги тақчиллиги суммасининг Марказий банк кредитлари ҳисобидан қопланган қисми давлат ички қарзининг кўпайиши ҳисобига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 1998 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, давлат ички қарзи 1998 йилдан эътиборан 10 йил мобайнида тенг улушлар билан республика бюджети ҳисобидан тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 декабрь.

Табиат — инсоният бешиги

ТИК ЎСУВЧИ ХАЗИНА

Республикамизда қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Шунинг учун тез ўсадиган ёғочбоп дарахтларни экиб кўпайтириш ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қадим-қадимдан оилада ўғил фарзанд дунёга келса, ота-боболаримиз дарҳол кўчат эккан. Бу албатта яхши, эзгу фазилатдир. Қишлоқларда истиқомат қиладиган аҳоли ҳар доим тез ўсадиган ва кўплаб ёғоч материаллари берадиган терак ўтқазиш учун ҳамиша жой топа олганлар. Фойдали керакли ўсимлик сифатида томорқа майдонларининг атрофида экиб ўстирганлар.

Теракларнинг ўрмончилик соҳаси бўйича маҳсулдорлик хусусиятлари уларнинг миқдори туфайлигина эмас, шунингдек сифатли томонлари билан ҳам аҳамиятга молик. Шу боисдан жумҳуриятимизда тераклардан олинган ёғочлардан иморатлар қуришда ва бошқа мақсадлар учун кенг фойдаланилган.

Теракнинг шундай афзалликларини ҳар томонлама яхши ўрганган, кекса дурадгор Уста Олим бобо уни шундай таърифлайди: «Теракдан тайёрланган ёғоч буюмлар тоб ташламайди ва ёрилиш хусусиятига ҳам эга эмас, бўялмайди, ўзидан ҳид чиқармайди».

Ҳозирги кунда ёғочни қайта ишлайдиган замонавий техникалар ёрдамида 1 метр куб ёғочдан 280 килограмм қоғоз ёинки шу миқдорда целлюлоза, 160 килограмм сунъий шойи, 170 килограмм сунъий жун, 180 жуфт резина калиш, 2 дона автомобиль шинаси, 1500 метр вискоз шойи газлама, 4000 жуфт шойи пайпоқ, 600 та трикотаж костюм, 6000 метр эни бир метрли целлофан парда, 90 литр спирт, 15 кг ванилин, 20 кг миқдорда озиқ-ачитқиси олиш мумкин экан.

Тераклар ўрмон иҳота дарахтларининг асосий ўсимлиги бўлиши билан катта аҳамиятга эгадир. У тез ўсиши, шохларини манзарали кўриниши, шамолга бардошлилиги туфайли мевали боғлар ва ишкомзорларни тўс-тўполонли шамолдан муҳофаза қилишда бошқа дарахт турларидан анча юқори туради.

Оқар сувли канал ва ариқларнинг икки ёнига экилган теракларнинг тармоқланиб ўсган, илдизлари тупроқни ювилишини ва сувни сизиб ўтишини ушлаб туради.

Тераклар шохларини манзара кашф этиб ўсиши ва аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзорлаштириш билан биргаликда, ҳаво ифлослигини тозалашда энг муҳим асосий вазифани бажаради.

Бизга маълумки, табиат гўзаллигини янада юксалтириш мақсадида экилган ўсимликлар ҳавода учиб юрган чангларни тутиб олиш билан бирга, ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ҳавонинг иссиқ ҳароратини пасайтиради ва ҳаводаги намликни оширади. Шу хусусиятларидан ташқари ўсимликлар ўзларидан фитонцид деб номланадиган махсус химиявий модда ишлаб чиқаради, фитонцидларни асосий вазифаси кишиларнинг соғлиғига зиён етказувчи, зарарли микроорганизмларни йўқотишда муҳим вазифани ўтайди. Мазкур дарахтнинг табиатда тутган ўрни ва энг муҳим хусусияти ҳаводаги карбонад ангидридни ўзига ютиб ўрнига кислородни ажратиб чиқаришидир. Бошқа дарахтларга нисбатан терак карбонад ангидрид газини ўзида жадаллик билан ўзлаштириш бўйича анча устун туради.

Жумҳуриятимизда терак экишни кенг миқёсда жорий этиш фақатгина олдимизда турган муаммо бўлибгина қолмасдан, мақсадга мувофиқлиги, иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлиги изоҳ талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Теракзорлар барпо этишнинг илк омили кўчат тайёрлашдан иборатдир. Дастлаб теракнинг тури ва унинг сифатига катта аҳамият бермоқ, ниҳоятда зарур. Теракларни ўсиш жараёнида қаламчалар тайёрлаб экиш йўли билан кўчатларни кўпайтириш жуда яхши натижа бериб келган.

Яхши сифатли терак кўчатларини етиштириш учун ер даставвал мумкин қадар тупроғи серунум, шўрланмаган, текис, ҳамда суғориш учун жуда қулай бўлмоғи даркор. Ер кузда яхши шудгорланиб тайёрлангач, кузги экишни бошлаш мумкин, агар мабодо режа бўйича экиш баҳор мавсумига қолдирилган тақдирда, баҳорда ер яхшилаб пишитилиб, тобига келтирилгандан кейин экиш лозимдир.

Юқоридаги қайд қилинганларни таҳлил қилиш билан биргаликда шуни айтиш лозимки, терак дарахти жумҳуриятимизни суғориладиган, шароити яхши жойларида иқтисодий жиҳатдан жуда самарали ва фойдали саналади. Терак жуда тез ўсиши ва унинг юқори даражадаги маҳсулдорлиги билан бошқа дарахт турларидан тамомила фарқ қилиб, бу ўз ўрнида жумҳуриятимизнинг қурилиш ва ишга ярайдиган ёғоч буюмларига бўлган муҳим эҳтиёжини қондиришда асосий роль ўйнайди.

Жумҳуриятимиз ҳудудида қаламчалар учун новдалар тайёрлаш ишлари ноябрь ойининг охирлари ва декабрь ойининг бошларида олиб борилса жуда ўринлидир. Олинган новдалар боғлам-боғлам қилиб, қуриб қолмаслик учун паст қисми ерга кўмиб қўйилади. Кўмилган новдаларга қуёш тушмагани маъқул, чунки новдалар барвақт кўкариб кетмайди. Экиш муддатидан бир-икки кун олдин кўмилган новдалар жойидан олиниб, қаламчалар тайёрланади. Қаламчалар тайёрлашда куртакча бироз қия қилиброқ, йиғирма сантиметр узунликда кесиш жуда мақсадга мувофиқдир.

Олиб борилган тажрибаларни натижаси шуни кўрсатган-ки, кузда экилган терак қаламчалари яхши илдиз олиб, кўкариб кетиш хусусияти юқори бўлиб, кўклам мавсумида ўтқазилган қаламчаларга нисбатан яхши ривожланади. Қаламчаларни ерга экишда қуйидаги тадбирга риоя қилмоқ зарур; экилган қаламчаларни учдан бир қисми тупроқни юза қисмида, очиқ қолдирилмоғи лозимдир. Терак кўчатларининг яхши ривожланиб ўсиши учун ўз вақтида суғориб, парвариш қилиш муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ва бундан ташқари бошқа агротехника чора-тадбирларни ўз муддатида, бир меъёрда қўллаб борилса кўчатларни тез ўсиши учун имкониятлар янада ривожлантирилган бўлиб, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Асқар ХОЛМЎМИНОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Американинг «Боинг» самолёти Японияндан Гаввайя оролига учаётган чоғида техник носозлик туфайли ҳаво ҳалокатига учради. Бир киши ҳалок бўлди, 110 киши оғир жароҳатланди.

***

Бир неча идишдаги «Швартау экстра» мармеладини заҳарлаган номаълум киши Шимолий Германиянинг «Швартауер верке» компаниясидан 5,6 миллион Германия маркаси миқдорида товон сўради.

***

Германия мудофаа вазирлиги ўз тасарруфидаги ДАСА компаниясига янги типдаги «Таурус» ракеталарини яратишни топширди. Ушбу лойиҳа учун 600 миллион Германия маркаси жалб этилади.

***

Оқ уй қаршисидаги АҚШ миллий арчаси ёнида ўрнатилган ислом рамзий ярим ойи ва юлдузларига нисбатан ваҳшийларча жиноят содир этилди.

***

Американинг тўрт нафар энг улуғ сиёсатчиси — Жорж Вашингтон, Томас Жефферсон, Абрам Линкольн ва Теодор Рузвельтларнинг сафи яна бир худди шундай сиёсатдон тимсоли билан бойийдиган бўлди. Рашмор тоғи қоялларида собиқ президент Рональд Рейган ҳайкали ҳам тикланди.

***

Британия ҳукуматининг гиёҳванд моддаларининг истеъмол этишга қарши чора-тадбирларни кучайтириши вазирларга хуш ёқмаяпти. Бундай режани амалга ошириш Британия жамиятида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин, дея саналмоқда.

***

«Интернет» компьютер тармоғи имкониятларидан неонацистлар муваффақият билан фойдаланишда давом этмоқдалар. 70 минг нафар шведнинг Рождество байрами кунларида неонацистларнинг «Нордланд» ташкилотидан «Интернет» тармоқлари орқали хабар ва маълумотлар олганлар.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – МУҲИМ

Партия ахбороти

Ўз сафларида қарийб 26 минг аъзони бирлаштирган Бухоро вилоят ХДП ташкилотлари ёшлар ўртасида қандай иш олиб боряпти? «Камолот» ва «Нуроний» жамғармалари билан ҳамкорликдаги фаолият қандай самара беряпти?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган XV пленумида ана шу саволларга жавоб изланди. Унда вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ж. Нуруллаев «ЎзХДП вилоят ташкилотларининг мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар янги босқичида ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари ҳақида» маъруза қилди. Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси О. Вафоев, партия фахрийси С. Жумаев, Олот туман партия кенгаши биринчи котиби М. Тошпўлатов, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котиби М. Бозоров ва бошқалар вилоят партия ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига оид ютуқ ҳамда камчиликлар ҳақида гапирдилар.

Пленум кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Қизириқ туман кенгаши котиби Чори Алимов ва туман ҳокими Йўлдош Шойматов ташаббуси билан ўтиб бораётган 1997 йил — Инсон манфаатлари йилининг сўнгги кунларида туман ҳокимлиги ва туман партия кенгаши томонидан «Қизил том» қишлоғидаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Содиқ СУЛТОН.

МАҲАЛЛА ҲИСОБ-КИТОБИ

Мулоҳаза

Республикамиз бўйича ўн икки мингдан зиёд маҳалла рўйхатга олинган. Агар ҳар бир маҳаллада биттадан жиноят содир бўлса, 12 минг кўнгилхиралик юз беради, барча маҳаллаларда тинч-тотувлик бўлса, бу демак, республикамиз тинч дегани. Шундай экан, маҳаллада гап кўп. «Маҳалланг тинч — сен тинч» деб шунга айтсалар керак!

Биз истиқомат қилаётган Юнусобод тумани «Дўстлик» маҳалласида кўпни кўрган, ўз ишига масъулият билан ёндошадиган, маҳалла фуқаролари меҳрига сазовор бўлган инсонлар кўп. Гап асосида шуни айтиб ўтиш керакки, оқсоқол томонидан тавсия этилаётган ёки тайинланаётган маслаҳатчилар агар таниш-билишлардан иборат бўлмай, кўпни кўрган, тадбиркор, феъли кенг, ўзгаларга намуна бўладиган шахслардан иборат бўлса, айрим низолар, майда безориликлар, қўйди-чиқдилар нисбатан камаярди. Бунинг учун маҳалла оқсоқолига битта етакчи маслаҳатчи (ёки ёрдамчи) бўлиб, унга рағбатлантириш мақсадида қисман бўлса-да, имкониятдан келиб чиққан ҳолда энг кам иш ҳақининг бир ярим ёки икки баравар миқдорида ойлик маош берилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Бу Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг ўзини -ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунида ҳам кўрсатилган: унда раис (оқсоқол), котиб ва аппарат ходимларига туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади, дейилган. Чунки, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришда, 16 ёшгача бўлган болаларга нафақа тайинлашда, текширув далолатномаларини тўлдириш, уйжой шароити билан танишиш кўпинча маслаҳатчилар зиммасида бўлади.

Ҳар бир маҳалланинг ҳисоб рақами, муҳри бор. Бироқ, баъзиларининг ҳисобида ҳеч қандай маблағ йўқ. Хайр-эҳсон қилувчи ташкилотлар ҳадеганда топилавермайди. «Дўстлик» маҳалласи оқсоқоли С. Пўлатовдан: «Пул ўтказиш йўли билан уч-тўртта рўзнома ёки ойномага обуна бўлсак, республикамиз ва дунё янгиликларидан воқиф бўлиб турсак? деган таклифни айтган эдик. «Ҳисоб рақамимиз бору, пулимиз йўқ. Пул масаласини иложи борича ўзимиз ҳал қилишимиз, бирон-бир йўлини изслашимиз керак» деди. Сирасини айтганда, маҳалла ҳудудида «бели бақувват» ташкилотлар бисёр, бироқ улардан ҳеч қандай наф унмай турибди.

Маълумки, айни пайтда ҳар бир маҳалланинг учта ҳисоб рақами мавжуд. Кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ва ўн олти ёшгача боласи бўлган оилаларга нафақа тайинлаш учун ҳисоб рақамлари очилган. Бундан ташқари, ҳар маҳалла ўзининг ҳисоб рақамига эга. Шундай экан, ҳар бир маҳаллага битта ҳисобчи зарур, деб ўйлайман. Маҳаллаларга қоғоз, қалам, ручка, иш папкалари ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар мунтазам етказиб турилса. Буларсиз иш битмайди. Яшаш жойидан маълумотнома, тавсифнома, ариза билан мурожаат қилган ҳар бир оилани рўйхатга олиш, текширув далолатномалари тўлдириш ва ҳоказо ишлар шу ерда амалга оширилади. Пировардида, яна шуни айтиш керакки, аксарият маҳаллаларнинг ҳисобларида пул маблағлари йўқ ҳисоби. Шунинг учун маҳалла оқсоқоллари ташаббускор ва тадбиркор бўлишлари, ҳисобига пул тушиши учун ўзлари қайғуришлари, лозим бўлса, ўз маҳалласига фойдаси тегадиган кичик корхоналар очишлари ёки бошқа имкониятлар қидириб топишлари керак.

Ҳукуматимиз маҳаллалар фаолиятини яхшилаш, унинг нуфузини ошириш учун барча шарт-шароитларни яратган экан, шу эзгу мақсад йўлида оқсоқоллар, жамоатчилик вакиллари ўз саъй-ҳаракатларини сусайтирмасликлари керак. Зеро, карвонсиз йўл бўлмас, оқсоқолсиз эл бўлмас, деб бежиз айтилмаган-ку!

Азамат СУЮНОВ,
маҳалла оқсоқоли
маслаҳатчиси.

АРЧА БАЙРАМИ ЯНГИ МАКТАБДА

НАВОИЙ. Шоир номи билан аталувчи туманнинг Бўрлибой қишлоғида 256 ўқувчига мўлжалланган мактаб фойдаланишга топширилди. Ҳашар йўли билан тикланган ўқув масканига 4 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 4-ва 27-мактаблар эса қайта таъмирланди. Шундай қилиб, ўқувчилар бу мактабларда Арча байрамларини яйраб ўтказадиган бўлишди.

Музаффар ШАРОПОВ.

АЛОҚАЧИЛАР МУШТАРИЙЛАРИМИЗ

ХОРАЗМ. «Ўзбекистон овози»га ихлосимиз баланд, — дейди Урганч электр тармоқлари корхонаси партия ташкилоти котиби Артур Ан. — Ишчи-хизматчиларимиздан 28 нафари шу газетага обуна бўлишди. Урганч шаҳрида эса газетамиз муштарийлари сафи 450 нафардан ошиб кетди.

Рўзимбой ҲАСАНОВ.

КОРХОНАНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ

«Қўқон» ишлаб чиқариш бирлашмаси спирт заводининг иккинчи навбати ишга туширилди. Энди корхона йилига 915 минг деколитр спирт тайёрлаш қувватига эга бўлди. Озиқ-овқат ва тиббиёт саноати эҳтиёжлари учун зарур хом-ашёни тайёрлаш кўпайди. Корхона қошида тўйимли озуқа тайёрлаш цехи ҳам ишлаб турибди. Корхона очилишида Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов иштирок этди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Менда **таклиф** *бор*

СЕРФАЙЗ БЎЛАРДИ...

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти қаршисида олдин истилочи Фрунзенинг ҳайкали қад ростлаб турарди. Матбуот орқали изҳор этилган таклифлар боисими, ҳар ҳолда ҳайкал олиб ташланди.

Бироқ, инқилоб «дарғаси» миндирилган супа ҳалигача қандайдир «мўъжиза» кутгандай ётибди.

Ҳайкал ўрнатилган жой пойтахтнинг гавжум масканларидан. Шунингдек, рўпарада мураббийлар олийгоҳи жойлашган. Шуларни ҳисобга олиб, супа ўрнига чиройли фавворами ёки миллатимизнинг таълим фидойиларига бағишлаб бир ёдгорлик ўрнатилса, мазкур маскан янада гўзаллашиб, серфайзлик касб этган бўларди.

Аброр БОБОЕВ,
Тошкент шаҳри.

Хатлар, **хатлар,** *хатлар*

ЧИЛЛАДА ЧИВИН УЧСА...

Фарғона туманида қишлоқларни газлаштириш кенгкўламда бошлаб юборилди. Хўжаликларнинг иқтисоди ёмонлиги туфайли барча қишлоқлар аҳолиси ҳашар усулида, ўз маблағлари ҳисобига газ қувурларини тортдилар. Қувурлар ҳам аҳоли пулига сотиб олинди, усталарга ҳам пулни аҳоли тўлади. Натижада ҳозирга қадар туман қишлоқлари асосан газлаштирилди. Ҳозирда 20 мингдан ортиқ хонадонга табиий газ кириб келди.

Туманнинг катта қишлоқларидан бири бўлган Аввални... газлаштирилганига ҳам тўрт йил бўлди. Лекин қишлоқ аҳолиси ҳар йили қиш мавсумини юрак ҳовучлаб кутиб оладилар. Чунки қиш кириб келганда газ таъминоти кескин пасаяди. Аҳоли, айниқса ёш болалар аянчли аҳволда қоладилар. Кимлардир яна печка қуради, кимладир сандал ўрнатади, бошқалар эса кўрпа-тўшакка бурканади, уй бекалари эса ўчоқ бошига югурадилар.

Олдинги йилларни эсламайликда, 1996—1997 йил воқеаларини келтирайлик. 1996 йилнинг 25 декабрига қадар газ пасайиб кетди. Югур-югур, аризалар бошланди. Ниҳоят 26 декабрдан газ таъминоти яхшиланди. Лекин 18 январь кунидан бошлаб таъминот яна издан чиқди. Туман газлаштириш идорасига элчилар аризалар билан кела бошладилар. Идора раҳбари Исматилло Муқаддасов ва бош муҳандис Илмиддин Икромалиевлар аввало ҳаракат қилаяпмиз, яхшилаймиз, деган ваъдалар билан аҳоли қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиришди. Кейинчалик эса вилоятдан газ кам юборияпти. Туманимизга 14 ўрнига 7—8 кило газ беришяпти, деган баҳонага ўтишди. Ҳолбуки, бундан 3-4 йил олдин ҳам шунча миқдорда газ олинар эди. Бу даврда 15 минг хонадон газ тармоғига уланди. Шунга кўра, етарли газни сўраб олиш туман газлаштириш идораси раҳбарлари зиммасида эмасми?! Ёки ҳар ой, чорак ва йил охирида қанча қишлоқ, хонадон газлаштирилгани ҳақида маълумот оладиган вилояти ва республикадаги юқори ташкилотлар туманга етарли газ беришга масъул эмасми?

Ўтган қишлар-ку орқада қолди. Бу йил ҳам газ таъминоти ёмонлашса ёмон бўляптики, яхшиланганги йўқ. Ноябрь ойи охирида вилоятгаз 5 декабргача газ таъминоти 50 фоизга пасайиши ҳақида эълон берди. Лекин 5 декабрь ўтиб кетса-да, ҳамон газ таъминоти аянчли ҳолда турибди.

Толибжон СОДИҚОВ,
Фарғона туман «Шонли меҳнат» рўзномаси масъул котиби.

«Ўзбекистон овози»га **жавоб берадилар**

«РАДИОГА ПУЛНИ КИМ ОЛАДИ?»

Газетанинг 1997 йил 20 ноябрь сонида чоп этилган «Радиога пулни ким олади?» сарлавҳали танқидий мақоласини ўрганиб чиқиб, вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш давлат корхонаси шуни маълум қиладики, ушбу мақолада келтирилган фактлар, жумладан маҳалла хонадонларидаги айрим радионуқталарнинг ишламаслиги тўғри эканлиги аниқланди.

Косонсой тумани Чиндовул қишлоғидаги мавжуд айрим радионуқталарнинг мунтазам ишлашини таъминламаганлиги, мижозлардан абонент тўловларини ўз вақтида йиғиштириб олмаганлиги учун қишлоқ радиомонтери М. Ҳожихоновдан корхонанинг 1997 йил 1 декабрдаги 99-сонли буйруғи билан 350 сўм миқдорида жарима ундирилган.

Келгусида бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида юқоридаги мақола Косонсой электр алоқа боғламаси меҳнат жамоасида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли чора тадбирлар кўрилди.

Вилоят ДЭАК бошлиғи
К. БОҚИЕВ.

Оила бу, Ватандир бу,
Оллоҳ берган буюк бахт!

Ўктам ШАРИПОВ олган сурат.

Мутахассис мулоҳаза юритади

ПУЛ ЭМИССИЯСИНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўз миллий валютамиз «сўм»нинг муомалага киргани га уч йилдан ошди. Республикамиз раҳбарияти, Марказий банк ва барча тижорат банклари «сўм» қадрини ошириш, халқ хўжалигида ҳисоб-китоб ва тўлов тизимини такомиллаштириш учун диққатга сазовор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, бутун республика миқёсида банкларо тўловлар электрон почта орқали ўта бошлагани туфайли тўловлар саноқли дақиқаларда амалга оширилмоқда. Бунга бир неча йил аввал ишониш ҳам қийин эди.

Маълумки, иқтисодиётнинг ривожланиши халқ хўжалигига инвестициялар, яъни, пул маблағлари киритиш, янги технологияларни жорий этиш, асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш орқали амалга оширилади. Бунда ташқи инвестициялар билан биргаликда ички инвестициялар ҳам кўпроқ жалб этилиши муҳимдир.

Ўзбек хонадонида сепнинг туғилиши, фарзанднинг туғилиши билан бошланади. Яъни тўй-ҳашам, уй қуриш деганларидек. Аммо халқимиз ўз жамғармаларини банкларда эмас уйларда сақлашади. Бу эса кўп хавф-хатарлардан холи эмас. Агар ҳар бир хонадон ўз жамғармаларини банкларда сақлашса ҳар томонлама фойдали бўлур эди.

Ҳар бир киши ўзига маъқул бўладиган акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиб олиб ва натижада бундан даромад олишга эришиши мумкин. Шундагина фуқароларнинг жамғармалари муомаладаги нақд пул айланишининг тезлашувига, нарх-навонинг мўътадиллашувига, шунингдек халқ хўжлигининг ривожланишига хизмат қилади.

Республиканинг тижорат банклари мақсадида кредитлар турини — аҳолига узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзғор молларини, телевизор, мебель каби буюмларни беришни ташкил қилиш ҳисобига кўпайтириш керак. Бунда фуқаролар сотиб олмоқчи бўлган уй-рўзғор моллари қийматининг 25—35 фоизини банкга нақд пул сифатида топширишлари, банклар эса мақсадли кредит тўловларини «электрон почта» орқали амалга оширишлари мумкин. Аҳоли томонидан кредит тўловларининг маош ҳисобига тўлаб борилиши нақд пул эмиссиясини қисқартиришга, инфляциянинг пасайишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ва ўсишига олиб келади.

Зафар МАҲМУДОВ,
РИАТ «Алоқабанк» пул муомаласи бошқармаси бош мутахассиси.

Ўзгаришлар шабадаси

«ХОНОБОД» ОРОМГОҲИ

АНДИЖОН. Сўлим Хонобод шаҳридаги Хонтахт боғининг баланд ва баҳаво жойида қиймати 1 миллиард сўмлик, 200 ўринли оромгоҳ биноси қурила бошлади. Андижон сув хўжалиги иншоотлари ҳиссадорлик жамияти бош пудратчи бўлган «Хонобод» оромгоҳи қурилишига «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, «Андижонвилоятавтойўл», «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик жамиятлари каби корхона ва ташкилотлар хомийлик қиладилар. Замонавий оромгоҳ 2000 йилда битказилиши мўлжалланмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

«ФАРҲОД»ДАН «ШИРИН» ЁШРОҚ

НАВОИЙ. «Фарҳод» маданият саройи бунёд этилганига 25 йил бўлди. Чорак аср мобайнида бу маданият масканининг қиёфаси ҳам анчайин ўзгарди. Навоийликларнинг кўнгилочар гўшаси бўлиб қолди. Кошонада ўнлаб фольклор-этнографик ва хор дасталари фаолият кўрсатяпти. Маданият масканининг ўзига хос таваллудини нишонлаш ҳам шу ерда бўлиб ўтди. Бу орада эса «Ширин» маданият саройи таркиб топганининг ўн йиллиги ҳам байрам қилинди. Мавлоно Навоий номи билан аталувчи шаҳардаги унинг ижодига оид асарлар қаҳрамонлари ҳамиша эъзозда.

Музаффар ШАРОПОВ.

«КАФОЛАТ» ва «АЗИЗ»

ТОШКЕНТ. Қибрай туманида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор қилинмоқда. Хусусан, «Кафолат» ижара корхонасига Ботир Расулов раҳбарлик қиладиди. Бу ерда барча юмушлар исми-жисмига мослашган бўлиб, кафолатланган. Одамлар радио-телевизор ва бошқа асбоблари ўрнига қўйиб созланаётганидан мамнун. Шунинг учун ҳам Абдулла Назарматов, Фарҳод Ҳамидов, Аброр Ҳусанов сингари усталарнинг ишлари чаққон. Корхонадаги тикувчилик цехи ҳам гавжум. Ижара корхонаси ойига 50—80 минг сўм фойда кўрмоқда. Шунингдек, «Азиз» кафесига кирган хўранда бу ерда тайёрланаётган таомлар ва кўрсатилаётган хизматдан кайфияти кўтарилиши табиий. Қибрайликларнинг туман марказида йўлга қўйилган маданий-маиший хизматдан кўнгиллари чоғ бўлиб турибди.

Рўзимат ДАМИНОВ.

АҲМАД + НИГОРА = СЕВГИ

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Биз ҳақли равишда юксак маънавиятимиз билан ғурурланамиз. Бироқ, баъзан кўнгилга хижиллик солиб турадиган воқеалардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Анча олдин республикамизга малайзиялик журналист ҳамкасбларимиз ташриф буюришди. Улар Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлишди. Қадимий обидалар, ёдгорликларни кўриб, лол қолишди. Меҳмонларимизнинг ҳайратини кўриб, ўзимиз ҳам ўлмас ёдгорликлар яратиб кетган шундай авлодлар вориси эканлигимиздан фахрланиб кетдик. Чиндан-да, ич-ичимиздан ғурурландик. Ахир ғурурланмай бўладими?

Меҳмонларимиз пойтахтимиз кўчаларини айланишди, уларда кундан-кунга гўзаллашиб бораётган шаҳар яхши таассурот қолдирди, эътиборли жойларини суратларга туширишди.

Аммо шаҳарнинг бир неча жойларида қатор телефон будкалари ва улардан узиб кетилган телефон гўшакларини кўриб, бир-бирларига ажабланиб қарашди.

Таржимон орқали сўрашганда вазиятдан чиқиш учун телефон алоқалари янгитдан таъмирланаётганини айтдик. Афсуски, меҳмонларимиз бундай ачинарли ҳолни шаҳарнинг бир неча жойларида учратишди. Уларнинг олдида анча хижолат бўлдик.

Таширф дастури бўйича улар олий ўқув юртлари фаолияти билан ҳам танишишлари лозим эди. Ўқитувчи ва талабалар билан қизиқарли учрашувлар меҳмонларимизда яхши таассурот қолдирди. Бу ерда ҳам жиндай ноқулай аҳволга тушдик.

Яқиндагина келтирилган ўқув парталарида «Аҳмад+Нигора=севги» каби ёзувлар, ўртасида камонининг ўқи ўтказилган юрагнинг сурати, муҳаббат ҳақида «оҳ-воҳ» билан ёзилган «тўртлик»лар битилган эди.

Ўйлаб қоласиз. Шу ҳам маданиятми?

Ўша телефонлар жойида бутунлигича турганда, аҳолига қанча асқотган бўларди. Ҳамманинг ҳам уйида телефони йўқ... Кимдир бемор бўлиб қолса, «тез ёрдам» чақирмоқчи бўлади, бошқа биров эса шаҳарнинг нариги чеккасига бориб, битказадиган юмушини телефон орқали бирпасда битказган бўларди. Қолаверса, ўша телефонларни ўрнатиш учун давлатнинг қанчалаб маблағлари сарф бўлган. Буни ҳам ҳисобга олиш керак-да! Шўролар давридан «меники эмас, давлатники, нима қипти», деган эски ақидалардан воз кечиш вақти аллақачон келди.

Ёки партадаги антиқа ёзувларни олиб кўрайлик. Баъзилар «ҳа, энди ёшликда бўлади-да, шунга ҳам шунчами?», дейишлари мумкин. Ўзини билган, озгина бўлсада давлат, жамоатчиликнинг мулкига жони ачийдиган киши ҳар куни ўзи фойдаланадиган буюмга бунчалик паст назар билан қарамаслик керак. Кишилар билан муомала қила билиш ёки ўзи фойдаланадиган буюмни асраб-авайлаш ҳам маданиятимизнинг бир кўринаши эмасми? Ёки кундалик ҳаётимиздаги шу оддий нарсаларни сингдириш учун ҳам тарбиявий соат ажратиш керакми?

Яна бир мисол келтирсак, одатда баланд қаватли уйларда яшовчиларнинг мушкулини осон қилиш учун лифт ўрнатилган. Бу беминнат дастёрдан ҳар куни бир неча марта фойдаланамиз. Чиройли қопламадан аксингиз кўриниб турадиган лифтларда ҳам «ёзиш ва чизиш» касаллигини кўриб, дилингиз оғрийди. Улардаги оппоқ садафдек қилиб қадалган чиройли елим тугмачаларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Баъзида эса тугмачалардаги ёзиб қўйилган қаватлар рақамларини ўқиёлмай хуноб бўласиз, асабингиз қақшайди.

Ҳар томонлама ривожланган мамлакатнинг аввало маънавияти юксалган бўлади. Шундай экан, маънавият, маданиятимиз юксалиши, авлодларимизнинг муносиб давомчилари бўлиш учун бу жабҳага кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

Юсуф ҲАМДАМОВ.

PINAR

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗНИ САМИМИЯТ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ! СИЗГА СОҒЛИҚ ВА ОМАД ҲАМИША ЁР БЎЛСИН!

PINAR "СИЗГА СОҒЛИҒИНГИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ТАҚДИМ ЭТАДИ".

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН УЙ-ЖОЙ ЖАМҒАРМА БАНКИ ЖАМОАСИ

республика аҳлини кириб келаётган

ЯНГИ 1998 ЙИЛ —

юртбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган

ОИЛА йили

ва

қутлуғ РАМАЗОН ойи

билан самимий муборакбод этади.

Биз сизга турли хилдаги банк хизмати ва давлатимизнинг ҳар бир фуқаросини уй-жой билан таъминлаш дастурига озми-кўпми ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Янги йилни янги хонадонларда кутаётган минглаб юртдошларимизга қувонч улашганимиздан хурсандмиз.

Янги йил барчангизга янги муваффақиятлар олиб келсин!

"ЎЗДОНМАҲСУЛОТ"

ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон ғаллакорларини, бутун ўзбек халқини Янги-1998 йил билан қизғин муборакбод этади. Биз Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасида халқимиз томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатларни доимо қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистоннинг дон мустақиллигини таъминлаш борасида куч- ғайратимизни аямаймиз.

Маълумки, 1998 йил — Оила йили, деб эълон қилинди. Шу боис ҳам жамоамизнинг ҳар бир аъзоси мамлакатимиздаги оилаларнинг тўкинлиги, фаровонлиги йўлида ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилаверади.



Янги йил Ийди Рамазон ойи билан бошланиши, айниқса қувончли. Бунинг хосиятли жиҳатлари кўп. Биринчидан ҳосил мўл, дастурхон эса тўкин бўлади. Иккинчидан Ўзбекистонимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида анча силжишларга эришилади.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларини қўшалоқ байрам билан табриклар эканмиз, Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, оиласида тинчлик, осойишталик, тотувлик ва фаровонлик бўлишини тилаймиз. "Оила йили" деб эълон қилинган 1998 йилда ва ундан кейин ҳам халқимиз дастурхони тўкин бўлсин!

РАМАЗОН ОЙИНГИЗ ВА ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

«ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ» ҳиссадорлик жамияти

Бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган
Ийди Рамазон ва Янги 1998 йил билан чин кўнгилдан муборакбод этади!
Бизнинг жамоамиз мамлакатимизда кенг миқёсда олиб борилаётган ижобий силжишларга
муносиб улуш қўшаверади.
Хорижий шерикларимиз билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ривожлантириш,
маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз.
Шуниси қувончлики, Янги йилимиз Рамазон ойи билан бошланади.
Демак, юртимизга иймон нури ёғилади.
Келгуси йилни Президентимиз Оила йили деб эълон қилди.
Ҳамонки шундай экан, 1998 йилда юртимизда кўплаб тўйлар бўлсин!
Биз ишлаб чиқараётган бежирим мебеллар янги турмуш қурган ёш оилаларга насиб этсин!
Фурсатдан фойдаланиб, шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки,
ватандошларимизни байрам кунлари ўзимиз ишлаб чиқарган
барча мебелларни арзон баҳода сотиб олишга таклиф этамиз.
Ҳурматли юртдошлар! Фирма дўконларимизга марҳамат қилинг!

«Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти жамоаси.

Coca-Cola Ichimligi Toshkent Ltd.

1998 йил сизга бахт
келтиришга тилакдошдир

"АРАББОЙ" ХУСУСИЙ ФИРМАСИ

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН,

АРАББОЙ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«Араббой» хусусий фирмаси жамоаси 1998 йил билан барча-барчани самимий муборакбод этади!
«Араббой» учун 1997 йил орзулар, режалар, тикланиш ва уларни амалга ошириш даври бўлди. Фирма тадбиркорлари мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида катта бурилишга сабаб бўладиган арзон қуёш энергиясидан иссиқлик ва электр қуввати ҳосил қилувчи тизимларни юртимизга олиб келди. Бунинг учун «Араббой» Олмониянинг «Висман», «Шифер» сингари фирмалари билан мустаҳкам алоқа боғлади. Бунга арзон қуёш энергияси ускуналаридан фойдаланишни истовчиларга тушунтириш учун мўлжалланган пойтахтимизнинг Ҳамид Олимжон майдонида очилган доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма яққол далилдир!

Азиз юртдошлар, юртимиздаги табиий бойликлар қанча кўп бўлмасин барибир чеклангандир. Биз бу бойликларни авайлаб-асраб авлодларимизга етказишимиз зарур. Лекин Ўратғаннинг ўзи берган қуёш абадийдир.

«Араббой» фирмаси оилангиз, келажак авлодларингиз ва давлатимиз равнақи йўлида қилинадиган бу ҳайрли ишларда Сизга ҳамиша ҳамроҳ. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизни мустақиллигимизни яна бир ёшга улғайтираётган 1998 йил билан қутлайди.

Янги йил ҳар қайси оила учун бахт, файз-барака келтирсин! Осмонимиз узра ҳамиша қуёш нур сочиб турсин!

КЕЛГУСИ ЮЗ ЙИЛЛИКДА

Келгуси юз йилликнинг 30-йилларида Хитойда аҳоли ўсишини тўхтатишга эришилади. Ўша вақтга бориб мамлакат аҳолисининг сони 1,5—1,6 миллиард нафарга етиши тахмин қилинаётир, дейилади ХХРнинг оилани режалаштириш бўйича давлат қўмитаси баёнотида.

Айни вақтда эса мамлакат нуфуси 1,2 миллиард нафардан зиёд кишини ташкил этади. Баёнот муаллифларининг таъкидлашича, агар аҳоли ўсишининг бир қадар олди олинса, мамлакат иқтисодиётида юксалиш юз беради.

АҲОЛИСИ КЎПАЙМОҚДА

Америкаликлар 1998 йилнинг биринчи кунида умумий ҳисоб бўйича 268 миллион 921 минг етти юз ўттиз учинчи янги меҳмонни қаршиламоқчи. Бу — мамлакат аҳолиси жорий йил якунига бориб 2,4 миллион нафарга кўпайишини англатади, деган гап. Лекин мамлакатда туғилиш даражаси 1990 йилдан эътиборан мунтазам камайиб бораётир.

Мутахассисларнинг фикрича, кириб келаётган 1998 йилда мамлакат аҳолиси 2,3 миллионга кўпаяди.

КЕННЕДИ БУЮМЛАРИНИНГ КИМ ОШДИ САВДОСИ

Одамлар нафақат машҳур кишиларга, балки уларнинг шахсий буюмларига ҳам ўзгача қизиқиш билан қарайди. Лекин, қизиқиш билан имконият орасида анчагина масофа бор. Оқ уйнинг собиқ соҳиби — Жон Кеннедининг кимошди савдосига қўйиладиган 600 дан зиёд шахсий буюми ҳам ана шу икки имконият эгаларигагина насиб этиши шубҳасиз.

Нью-Йорк аукциони маълумларининг айтишича, савдода мазкур буюмларга дастлабки нарх белгиланмайди. Яъни, улар бозор кўтарган нархда сотилади.

СИРЛИ ФАВВОРА

Фавворалар одатда толиққан асабимизни бўшаштиради, ҳордиғимизни чиқаради. Лекин сеҳрли фаввора ҳақида эшитганмисиз? Нью-Орлеанда шундай сув бор — ичган одам ёшариб кетади. Шунданам тезда унинг номи бутун дунёга машҳур бўлиб кетди. Луизиана штатининг турли бурчакларидан мўъжазгина фавворага одамлар оқими ёпирилиб кела бошлади.

Нью-Орлеандаги хиёбонлардан биридаги оддийгина фаввора ҳамманинг ақлини шошириб қўйди. Бундан икки йил бурун «Нью-Орлеананинг сеҳрли фаввораси» ҳақида бутун дунё газеталари шов-шув қилиб ёзишганди.

Мутахассислар ҳайрон, қариялар ёшарган, касаллар соғайган... Яна бир ҳайратланарли томони, сув ичган одамлар ўзи қолиб, ҳатто бировни қучоқласалар ҳам тамом! Шеригидаям ёшликдаги куч-ғайрат пайдо бўларкан! Ана, мўъжиза!

— Тиббиёт тарихида ҳали бунақаси бўлган эмас, — дейди машҳур америкалик геронтолог олим Элис Хергон. — Сув ичган 57 та мижозларимни «синаб» кузатдим, ҳаммаси ёшликдагидек гўзал, бақувват, навқирон — қарияга айланишди-қолишди.

Доктор Элис Хергон «Ёшартирувчи фаввора»нинг сирини аниқлаш устида илмий кузатишлар олиб боряпти.

— Тўғриси, дастлаб унча ишонқирамовдим, — дейди ҳайратини беркитолмай доктор Хергон. — Кузатиб юрдим, 80-90 яшарлик қария, кампирлар «сирли фаввора»дан сув ичишди-ю, сочлари қорая бошлади, юзидаги ажинлар «текисланди», куч-ғайрати-чи? Ё, тавба!

Ёшликни қўмсаганлар шунчалик сероб эдики, ҳиёбонга одам сиғмай, тартибсизлик бошланди. Кимдир уртиқилинчда йиқилган, кимдир оёқ остида топталган... Ахир хиёбон маъмурияти боғни ёпиб, фавворани бошқа жойга кўчиришга қарор қилди.

— Эрим Тедди Смитерс 84 ёшда, фавворадан сув ичгач, шундай ёшариб кетдики, худди бундан 50 йил илгариги Теддидек! Сен ҳам ич, шояд бўғинларингдаги бод тузалиб кетса, деб қўймади. Лекин афсус мен «фаввора»га етолмадим. Эшитсам, беркитишибди. Руҳим тушиб кетди. Шунда Тедди мени маҳкам қучоқлаб: «Руҳингни туширма, ҳаммаси яхши бўлади» дея далда берган бўлди. Беихтиёр баданимга ис-сиқлик югуриклаб кетди. Оғриқ азоби аста-секин тўхтаб қолди. Қарасам... Эҳ, ишониш қийин ёшариб кетибман... Ўзимни худди 30 яшардек ҳис этяпман. Қандай яхши! — Луиса хоним қувончини яширолмайди.

91 ёшни уриб қўйган яна бир собиқ ҳайдовчи ҳам доктор Хергонга: доктор кундан-кун яшаряпман, авваллари ҳатто ҳаракатлана олмасдим-ку, қаранг югуряпман. Бор-йўғи «сув ичган» акам билан жияним бир қучиб қўйишувди, — дейди.

Шунақа «сеҳрли фаввора»нинг сири. Фаввора яна очиладими? Яна қанчадан қанча кўнгли ёш қариялар «сеҳрли фаввора»нинг қайта ишлашини сабрсизлик билан кутяпти. Бу ҳозирча аниқ эмас. Аниғи, шундай сув бор, ичса яшаради. Умид билан яшаш ҳам аслида одамни ёшартираркан.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

ҚОНУН ҲАММАГА БАРОБАР

Африкада истиқомат қилувчи мондинго қабиласида ғаройиб қонун бор — айбсиз кишини озодликдан маҳрум этган судья жазоланади. Жазолангандаям антиқа усулда — айбсиз «айбдор» қанча муддат қамоқда ўтирган бўлса, судья шунча кун ўша кишини елкасида кўтариб юриши шарт.

ҚАЛБАКИЛИК ҚАТТИҚ ЖАЗОЛАНГАН

Ўрта асрда Германияда судьяларнинг хатога йўл қўйиши мумкин эмас, деб ҳисобланган. Мабодо хатога йўл қўйса қаттиқ жазоланган.

Нюренберг шаҳри музейида бундан тўрт юз йил муқаддам қалбаки ҳужжатга имзо чеккан нотариус ходиминнинг мумиёланган бир қўли ҳануз сақланмоқда. Кўриниб турибдики, ўша даврда қалбаки ҳужжатга қўл қўйган юристнинг қўли кесилган.

СЕВИМЛИ ҚАҲРАМОН ОЛАМДАН ЎТДИ

Машҳур япон киноактёри Тосиро Мифунэ 77 ёшида мамлакат пойтахтидаги касалхоналардан бирида ҳаётдан кўз юмди.

Маълумки, «Расемона», «Етти самурай» каби кўплаб фильмларда Т. Мифунэ яратган образлар жаҳонда санъат ихлосмандларининг севимли қаҳрамонларига айланган. Шунингдек, у япон киночилигига янгича руҳ олиб кирган 50-йиллар авлодининг энг кўзга кўринган вакилларидан эди.

ЎЗБЕК ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Намангандаги ўзбек-турк лицейининг 10-синф ўқувчиси Нодир Ҳусаинов яқинда Туркияда ўтказилган илмий техник тадқиқотлар танловида биринчи ўринни эгаллади. Унинг «Сув ва ҳаво ифлослигини ўлчашда оптико-электроник элементлардан фойдаланиш» мавзуидаги илмий изланишлари мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

Н. Ҳусаиновнинг синфдоши Шаҳриёр Турғуновнинг «Ҳар хил магнит майдонларининг асаб тизими ва ҳашаротлар ҳаракатига таъсири» номли тадқиқоти эса ушбу йўналиш бўйича 2-ўринни олишга муваффақ бўлди.

Туркия илмий-техник тадқиқотлар жамияти («ТУБИТАК») томонидан «Воқифбанк» ҳомийлигида ташкил этилган мазкур танловда Туркия ва туркий тилларда сўзлашувчи мамлакатлар вакиллари иштирок этдилар.

— Бу бизнинг биринчи ютуғимиз эмас, — дейди Намангандаги ўзбек-турк лицейи биология фани ўқитувчиси ва илмий ишлар раҳбари Юнусбек Каража, — шу йил июнь ойида Истанбулда бўлиб ўтган 5-экология олимпиадасида Нодир олтин медалга, андижонлик ўқувчи Зиёвуддин Раҳматуллаев эса бронза медалига сазовор бўлган эди. Биз шунингдек, Польшада бўлиб ўтган «Нобель мукофотига биринчи босқич» халқаро олимпиадасида ҳам муваффақиятли қатнашдик. Унга 57 мамлакатдан 300 дан ортиқ лойиҳа тақдим этилган эди. Нодир ва Шаҳриёрларнинг иши юксак баҳоланиб, улар олимпиада дипломлари билан тақдирландилар.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Анқара.

РЎЙХАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Брюсселда халқаро журналистлар федерацияси 1997 йилда ўлдирилган журналистлар рўйхатини эълон қилди. Унда куч ишлатишнинг турли йўллари оқибатида ҳалок бўлган 47 нафар марҳум журналистнинг исм-шарифи қайд этилган.

Ўлдирилган журналистлар сони жиҳатидан дунё мамлакатлари орасида Россия мазкур рўйхатдаги биринчи ўринни эгаллайди. Яъни, 1997 йилда Россияда 8 нафар журналист ўлдирилган бўлиб, улардан 5 нафарининг ўлими билан боғлиқ иш юзасидан текширув ишлари олиб борилмаган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Туркия жумҳуриятига шу йил ноябрь ойидаги расмий ташрифидан сўнг икки ўлка ўртасидаги сиёсий-маданий, айниқса иқтисодий алоқалар ривожига янада суръат қўшилди. Зеро, икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини белгиловчи қатор шартнома ва битимлар мавжуд. Президент И. Каримов: «Ўзбекистон ва Туркия фақат маданияти, тили ва тарихи билангина эмас, келажаги билан ҳам бир-бирларига боғланганлар. Икки мамлакатни ҳеч ким бир-биридан ажрата олмайди», — деб айтганида ўзбек ишбилармонларининг Туркияда, турк тадбиркорларининг Ўзбекистонда завод-фабрикалар қуриши, ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиши давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашни ҳам назарда тутган эди. Бугунги кунда диёримизда турк капитали иштирокидаги 207 та корхона ана шундай алоқаларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқда. Бу кўрсаткич икки давлат раҳбарлари учрашув чоғида якдил таъкидлаб ўтганидек, ўлкаларимиз салоҳияти даражасидан анча паст. Ўзбекистон — Туркия муносабатлари уфқида янгидан-янги ривожланган саноат ва тижорат ширкатлари кўзга ташланмоқда. Шулардан бири «Остим»дир.

«Ўрта Шарқ саноат ва тижорат маркази «Остим»ни Анқарада жойлашган алоҳида ихтисослашган шаҳарча дейиш мумкин. Туркияда кичик ва ўрта саноат ишлаб чиқариш тизимини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Шулардан бири бўлган «Остим»нинг ҳам вазиятга кўра, ўзгариш қобилияти осон кечишига мувофиқлаштирилган.

«Остим»га 1970 йилларда асос солинган. У 3 миллион метр квадрат майдонни эгаллайди. 2500 ишлаб чиқариш нуқтасига эга. Уларда 30 минг ишчи ишлайди. «Остим»да махсус мустақил телевидение ва радио, кўргазма майдони, 8 та тижорат маркази, касб-ҳунарга тайёрлайдиган таълим маркази, 10 та банк, мактаблар, поликлиника ва масжидлар, 5 минг кишилик стадион мавжуд. Тижорат марказлари, музейлар, спорт ва саломатлик марказлари, социал-маиший муассасалар, тарбия майдонлари билан қўшиб ҳисоблаганда «Остим» саноат шаҳарчасидир. 2000 йилгача яна 7000 та ишлаб чиқариш корхонаси қўшилиб, «Остим» Туркиянинг энг йирик саноат корхоналаридан бирига айланади, дея қаралмоқда. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл бир неча бор «Остим»га ташриф буюриб, унинг фаолияти билан яқиндан танишган.

«Остим» — харидор истаган нарсани ишлаб чиқаради, мижозларнинг барча эҳтиёжларини қондиради», — деган сўзлар унинг шиорига айланган. Жамият бошқаруви раиси Ўрхон Ойдин «Остим» ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Туркия Европа Иттифоқи билан божхона бирлиги ҳақида шартнома тузганидан сўнг «Остим» катта аҳамият касб этди. Европа — Осиё — Африка қитъалари орасида бўлган Туркиянинг «Остим» орқали мавжуд жаҳон бозорларига яқинлиги кучаймоқда. Бизнинг мақсадимиз жаҳон бозорларига ўз маҳсулотларимизни узатарканмиз, айни пайтда жаҳон бозорларидан ўзимизга керакли бўлган технология ва хом ашёларни олишдир. Қўшни ўлкаларга — маҳсулотларимизни сотишгина эмас, улар билан технологиялар ва ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилиш фаолиятимизнинг устувор йўналишидир. Биз бу борада Ўзбекистон билан истиқболда янгидан-янги имкониятларни рўёбга чиқаришимиз мумкин, дея ҳисоблаймиз. Юртингиз ҳақида узоқдан ва қулоқдан билар эдик. Энди эса ҳамкорлигимиз асоси Ўзбекистонга пул ишлаш учунгина эмас, балки илдизларимиз сифатида қарашимиздан бошланади, деб ўйлайман. Албатта, Ўзбекистоннинг мустақил бўлганигина бизни шундай бахтга мушарраф этади. Президент Каримов Туркияга ташрифи чоғида: «Биз катта ишонч ва умид билан қарайдиган Туркия тарафидан йирик, ривож топган тижорат ширкатлари, банк вакиллари, кичик ва ўрта бизнес соҳасида замонамизга мос даражада тараққий топган фирма ва компаниялар юрт-тимизга келсинлар — марҳамат, бош устига. Биз уларни нафақат ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун Ўзбекистонда тегишли имтиёзлар ва ҳуқуқий асослар яратилган», — дея бежиз айтмади. Биз давлатингиз раҳбарининг бундай самимий гапларидан илҳомландик. Юртингиз тадбиркорлари билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш ҳар икки томон учун ҳам манфаатли бўлур эди.

«Остим»нинг ўзбекистонлик ишбилармонлар учун, назаримизда, ғоят қизиқарли туюладиган «Лас-зирҳ» корхонаси ҳақида маълумотлар берсак. «Лас-зирҳ» йигирма йилдан буён оғир юк ташийдиган ҳамда енгил автомашиналар учун махсус ишлов берилган ва ҳимоя занжирлари билан қопланган шиналар тайёрлайди. Шинага махсус ишлов бериш ва ҳимоя занжирлари билан қоплаш жараёни хусусида батафсилроқ маълумотлар берайлик. Германиянинг турдош корхонасидан сотиб олинган дестибюторликка кўра, шиналардан ҳаво сўриб олиниб, шиналар TOLVEN di ISOCYNATE суюқлиги билан тўлғазилади. Маълум пайт ўтгач суюқлик қотишмага айланиб, шина бир бутун резинага айланади. Шундай шиналардан бири ўрнатилган енгил автомашина ғилдирагига узун бигиз суқиб кўришимизни таклиф қилишди. Бигиз чуқур ботириб олинганда унинг ўрнида ҳеч қандай из қолмай, бигиз ўрни аввалгидек тўлиб қолди.

Тоғ-тош рельефида секин юрадиган, оғир юк кўтарадиган автомашиналарнинг шиналари махсус металл ҳимоя занжири билан ҳам қопланади. Шароитга қараб, мос моделдаги занжирдан фойдаланиш мумкин. Корхонанинг мутахассис раҳбари Ведат Ипакчининг айтишича, мазкур занжир магний ва хромдан яратилган металл бўлиб, унга етти йилгача кафолат берилади. Бундай занжир ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё Туркиянинг ўзидан олинади. Занжирли ҳимоя воситаси шиналарни ҳам ҳар хил емирилишлардан сақлайди, ҳам машиналарнинг турли даражада ноқулай бўлган рельефда юриш қувватини оширади. Узилган занжирларни бир неча марта таъмирлаб, қайта ишлатиш мумкин. Шиналарнинг амортизаторлик даражаси ҳаво билан тўлдирилган шиналар амортизаторлик даражаси билан тенгдир. Бундай шиналар асосан мамлакатнинг ички бозорига чиқарилмоқда. Бундан ташқари Шарқ ва Европа мамлакатлари ҳам бутурдаги чидамли шиналарни мантазам сотиб олмоқда.

«Остим»нинг барча афзал жиҳатларини бир мақолада ёритиб беролмайсиз. Унинг асосий йўналиши бир неча тармоқлардан иборат. Фаолият доираси кенг. Биз биргина «Лас-зирҳ» корхонаси мисолида «Остим»нинг умумий, айни пайтда муҳим хусусиятларинигина очиб беришга ҳаракат қилдик.

Мамлакатимизнинг Туркия жумҳуриятидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдуғафур Абдураҳмонов ҳам «Остим»нинг истиқболини белгиловчи рақам ва кўрсаткичлар билан танишиб чиққани, Ўзбекистоннинг турдош корхоналари билан ҳамкорлик қилиш учун бу корхона жуда мос экани ҳақида ўз илиқ мулоҳазаларини билдирди.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон

— ИМКОНИЯТЛАР ИСТИҚБОЛИ

Туркиялик тадбиркорлар Ўзбекистондан ҳамкор истайди





Империя сиёсий разведкаси архивидан

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари доктори.
Рустам ШАМСУДДИНОВ,
Андижон Давлат университети профессори,
тарих фанлари доктори.
Поён РАВШАНОВ,
Қарши Давлат университети проректори,
профессор.

ЖАДИДЛАР ВА РУС ДЕМОКРАТЛАРИ

Полиция штатлари кенгайтирилиб, очиқ ва яширин агентурага ажратиладиган маблағлар кўпайтирилди. Империя ички ишлар вазирлиги агентура харажатлари учун Каспийорти вилоятига 2000, Фарғонага — 1900, Самарқандга — 1200, Еттисувга 1000 сўм ажратди.

Васильевга Петербург сиёсий қидирув ишларини тўғри олиб борилишини текшириш, Туркистондаги инқилобий ташкилотлар фаолиятини тўла ва атроф-лича ёритишга оид чекланмаган ваколатлар берилдики, улар миршабларнинг бебошлигини ниҳоят кучайтириб юборди. Метрополия маркази Туркистонда қарши ташвиқот юритиш, подшога садоқат руҳида адабиётлар нашр этишга ҳам анчагина маблағ ажратди.

Сиёсий изқуварлар Туркистон эсерларининг Петербургдаги эсерлар билан яқин алоқасини ҳам аниқлашди. 1908 йилнинг июль ойида Петербург эсерлари Тошкентга доктор Моисей Слоним номига Рус-Хитой банки орқали 5 минг сўм юборганлар.

Туркистон ўлкасида фаол иш кўраётган эсерларнинг жанговар гуруҳи ҳақидаги тергов материаллари 7 жилдни ташкил этиб, бевосита марказ — Петербургнинг диққатини ўзига тортди. Эсерлар сафида мусулмонлар ҳам борлиги ва улар нуфуз жиҳатидан ҳам катта мавқега эгалиги Васильевни безовта қилди. Ниёзбоев — Каримов иши шулар жумласидандир. Тошкентда Старогоспитал кўчасидаги 52-уйда яшовчи савдогар Собиржон Солихович Абдуллин аслида эсерларнинг рабҳарларидан бири бўлиб чиқди. «Спокойний» лақабидаги 27 ёшли мусулмон йигит «Кум», «Мастер», «Богачка» лақабли эсерлар билан алоқада бўлган. У «Богачка» лақабли йигитнинг билети билан Оренбургга жўнаганида, орқасидан кузатув борлигини пайқаб, яширинади. Жандармлар уни Уфада қўлга туширган, а ўзини Гумар Хусаинович Каримов деб атаган. Каримов аслида Ниёзбоев бўлиб, таниқли эсер, Козон ва Оренбургдаги ишларда қатнашган эди. Жандарм тергови уни Оренбургда Габдурауф Ҳакимбоевич Ниёзбоев номи остида яшагани, касби ўқитувчилиги, доимий манзилгоҳи Тошкент эканлигини аниқлади. У эсерлар фирқаси Марказий Қўмитасида «Қозонлик», «Яҳудий» каби лақабда алоҳида ишларда турган. Подполковник Васильев «Тошкент ва Чимкентдаги эсерлар гуруҳлари» деб номлаган махсус

7

ишида қуйидаги маълумотларни аниқлаган. 1906 йилда Қозонда эсерлар фирқаси гуруҳи ташкил топиб, қўмита аъзолигига Габдурауф Ниёзбоев, Гиёс Исхоқов, Исхоқ Бикчурин, Шокир Муҳамадёров, Фаду Тўхтаров сайланади. Улар яширин босмахона ташкил қилиб 3 марта хитобнома чиқаришган. Уфада яшаган Фаисхон Усмонов татар босмахонасини Каримов — Ниёзбоевга топширган. Ашхобод ҳарбий-инқилобий ташкилот аъзоси Илья Петрович Андреев — фирқавий лақаби «Ўртоқ Фома». «Полковник» билан алоқада бўлиб, Тошкентдан пул олиб турган. Яширин босмахонада эсерларнинг «За народ» ва «Молот» деган газеталари чоп этилган. Ниёзбоев-Каримов икки марта Кишинёв шаҳрига бориб, Туркистон эсерлари учун қурол-яроғ сотиб олган ва бу ҳақда Тошкентга телеграммалар жўнатган. Ниёзбоев қурол-яроғ транспорти билан Оренбургдан ўтаётиб, Тошкентга давлат хизматидаги адвокат ёрдамчиси Чарковский номига шартли телеграмма юборган. Подполковник Васильев номи тилга олинган Чарковскийнинг ўзбек жадидлари билан яқин алоқасидан хабардор бўлиб, уни алоҳида хавфли шахслар қаторига қўшди.

1908 йил 10 январда тинтув вақтида Тошкентда истиқомат қилувчи эсерлардан Пётр Гордаев ва Тимофей Никитиннинг уйларидан инқилобий руҳдаги адабиётлар билан бирга гектографда босилган «Мусулмонларга!» деб номланган хитобноманинг 58-нусхаси чиққани ҳам Васильевни ташвишга солди. Бу факт эсерларнинг маҳаллий аҳоли ўртасида қандайдир аниқ иш юритаётганидан дарак берарди. ТРМБ бошлиғи Квицинский эса унга эсерлар фирқаси Туркистон вилоят қўмитасининг таниқли арбоби Виктор Чернийнинг аслида Қозон дорилфунунининг талабаси Аббосали Қадимов бўлиб чиққани ҳақидаги хабари ҳам ташвиш учун жиддий асос эди.

Мусулмонларнинг инқилобий фирқалардаги иштироки Петербургни ғоят безовта қилаётгани сиёсий идорага маълум эди. Петербургдаги изқуварларга ёрдамга келган алоҳида жандармлар корпуси ротмистри Корабчаков 1908 йил 26 июлда Аббосали Қадимовнинг изига тушишга муваффақ бўлганини ёзиб, бу эсер уч шериги билан тижорат идораси ходимларига Самарқандда ҳужум уюштириб 4150 сўм пул, олтин, буюмлар ва ҳужжатларини тортиб олгани, полиция улардан иккитасини қўлга туширганини маълум қилган. 1908 йилнинг июлида империя ички ишлар вазирлиги Полиция департаменти ТРМБ бошлиғига мутлақо махфий ахборот йўллади. Унда эсерлар фирқаси Марказий Қўмитаси топшириғи билан Одесса вилоят қўмитаси вакили «Сергей» Тошкентда аллақандай вазифани бажариб, Одессага қайтгани хабар қилиниб, эсерлар Тошкентда қандайдир улкан тадбирни амалга оширмоқчи эканликлари тўғрисида тахмин билдирган. 22 июлда «Сергей» Петербургга борган ва Марказий Қўмитадаги маслаҳатга кўра императорнинг жонига суиқасд қилиш режасини тузган. Бунинг учун у Тошкентдаги давлат хазинасини талаб 700 минг сўмни қўлга киритмоқчи, агар бу иш амалга ошмаса, бирон хусусий банк, ё почтани талаб, юз минг сўмга яқин пул жамғармоқчи бўлган маблағ Петербургда подшони ўлдириш ишида асқотиши керак бўлган. Ака-ука Валицкийлар пул транспортидан 300 минг сўмни ўғрилаб эсерлар фирқаси Туркистон вилояти қўмитасига топширган. Қўқон банкидан Тимофей Ниасов юз минг сўм олиб шу қўмитага берган.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

8

O'ZBEKISTON OVOZI

1997-yil 30 dekabr, seshanba № 153 – 154 (22.237).

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ

Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинким, муборак рамазон ойи бошланиши арафасида турибмиз. Жаннат эшиклари очиладиган, жаҳаннам уқубатлари тўхтатиладиган, банданинг тақвога, меҳр-мурувватга, бедорлигу хушёрликка чорловчи, ўзининг ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракатларидан, безориликлардан, қўполликлардан, сўкинишу қарғашлардан тийиладиган, сабр қилинадиган ой бошланмоқда. Бу ҳаммаси бир ой тутилиши ҳукм этилган Рўза билан боғлиқдир.

Рўза илк бор пайғамбаримиз Мадинаи Мунаввара ҳижрат қилганларидан кейин орадан бир ой ўтгач фарз қилинди. Қуръони Каримда: «Эй иймон келтирган бандалар, сиздан олдинги умматларга фарз қилинганидек, Рўза сизларга ҳам фарз қилинди. Шоядки сизлар шу саноқли рўза кунларида Оллоҳдан қўрқиб гуноҳ ишлардан қайтиб, Унинг буйруқларига бўйсуниб тақводор бўлсангизлар», дейилади. Рўза тўрт мучаси соғ ҳар бир мусулмонга фарз қилинди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом васиятномаларида айтилган кўпгина ҳикматлар рўзадорларга ҳам тааллуқли. Жумладан: «Ё Али, беш

1

нарса динни хароб қилади: кўп емоқ, кўп ухламоқ, кўп кулмоқ, бойлик ғамида юрмоқ ва харом емоқ имонни кўтаради». Ёки «Ё Али, мўминда уч аломат бор: биринчиси шуки намозни вақтида ўтайди, иккинчиси Рамазон ойида рўзадор бўлади, учинчиси молнинг закотини беради», деган сўзларида кўп ва хўп маъно бор. Маълумки, Рўза одамларнинг сабр-тоқатга ва қаноатга мойил бўлишларини тақозо этади. Шу боисдан ҳам пайғамбаримиз сабр қилувчида уч фазилат борлигини таъкидлаганлар. Жумладан тоат-ибодат вақтида сабрли бўлади, шошқалоқлик қилмайди, тартиб билан бажаради, мусибатда Оллоҳнинг ҳукмига сабр қилади, деганларида ҳам рўзадорларнинг аҳволи кўзда тутилган.

Рўзанинг пурҳикмат томонларидан яна бири шундаки, бир ой мобайнида одамлар ўз бандаларининг закотини тўлайдилар. Ҳадиси Шарифда: Рўза сабрнинг ярми, сабр эса имоннинг ярмидир» ҳамда «Ҳар нарсанинг бир закоти бор, инсон баданининг закоти рўзадир», дейилганда ҳам ўзига хос ҳақиқат кўринади. Бундан ташқари шифокорларимиз Рўзанинг, яъни оч юришликнинг хосиятини кашф қилишган. Агар мажбуран оч қолишлик юз берса, танамизда турли салбий унсурлар юзага келиб, бизни қийин аҳволга солиши мумкин экан. Борди-ю ихтиёрий равишда, яъни онгли оч қолишни истасак ижобий ўзгаришлар юз бериб миямизда таомни рад этиш билан боғлиқ буйруқ зуҳур бўлади. Оқибатда инсонда ихтиёрий сабр ва қаноат юзага келади.

Рамазон ойида мусулмонлар поклик, ҳалоллик, имон, Оллоҳдан қўрқиш, унинг буйруқларига итоат этиш, ҳуснихулқ ва эзгу ишлардан иборат бир муҳитга кирадилар. Яхшилик ва эзгуликлар кўпаяди. Одамлар бир-бирларига ҳамдардлик билан қарайдилар ва эзгу ниятда бўладилар. Бойларда камбағалларга нисбатан мадад қўлини чўзиш нияти пайдо бўлиб, Оллоҳнинг йўлида бойликларини сарфлашга интиладилар. Мусулмонлар гўё бирдек ҳолатга тушадилар. Муҳими улар

2

ўзларининг битта жамият эканлигини ҳис этадилар. Бу билан Рўза — одамларда тенглик, дўстлик, бирдамлик, биродарлик, туйғуларининг пайдо бўлишига имкон беради. Илоҳим Рамазон ойида Оллоҳ ҳаммамизга сабр-тоқат ато этиб, юртимизда тинчлик ва фаровонлик, барқарорлик ҳукм суришини насибу рўз айлаган бўлсин.

Мирзо АНВАР.

РЎЗА НИЯТЛАРИ

Саҳарликда: «Наввайту ан асума савма шаҳри рамазана минал фажри илал мағриби холисан лиллаҳи Таола. Аллоҳу акбар».

Ифторликда: «Аллоҳу лака сумта ва бика оманту ваъалайка таваккалту ваъала ризқиқа афтарту фағфирли, Ғаффору мо қаддамту ва мо аххарту».

Рамазон кунлари	Декабрь Январь	Ҳафта кунлари	Имсок вақти	Ифтор вақти
1	31	Чоршанба	6.09	17.04
2	1	Пайшанба	6.09	17.05
3	2	Жума	6.09	17.06
4	3	Шанба	6.09	17.07
5	4	Якшанба	6.09	17.08
6	5	Душанба	6.09	17.09
7	6	Сешанба	6.09	17.10
8	7	Чоршанба	6.09	17.10
9	8	Пайшанба	6.09	17.11
10	9	Жума	6.09	17.12
11	10	Шанба	6.09	17.13
12	11	Якшанба	6.08	17.14
13	12	Душанба	6.08	17.15
14	13	Сешанба	6.07	17.16
15	14	Чоршанба	6.07	17.17
16	15	Пайшанба	6.06	17.18
17	16	Жума	6.06	17.19
18	17	Шанба	6.05	17.20
19	18	Якшанба	6.05	17.21
20	19	Душанба	6.04	17.22
21	20	Сешанба	6.04	17.23
22	21	Чоршанба	6.03	17.24
23	22	Пайшанба	6.03	17.26
24	23	Жума	6.02	17.26
25	24	Шанба	6.02	17.27
26	25	Якшанба	6.01	17.29
27	26	Душанба	5.00	17.31
28	27	Сешанба	5.59	17.32
29	28	Чоршанба	5.58	17.33
30	29	Пайшанба	5.58	17.34

3

Ўзбекистон телевидениесида «Янги йил базми» байрам концерт дастурини суратга олиш якунланди.

А. Рисқиев (ЎзА) олган суратлар.

Vatanni sevmak iymondandur!

НЕЛАРНИ ДЕР ОҲУ КЎЗЛАРИНГ

Шеър ва шуур

Неларни дер имо билан
Оҳу кўзларинг,
Кўрсатарму ишва билан
Висол онларинг.

Жавоб айла эй паризод
Недур истагинг,
Ё қолайму мен умрбод
Бўлиб, бир қулинг.

Қолди юрак ўт ичида
Ишқинг туфайли,
Борми имкон бу дунёда
Сенга етгали.
Айтчи жоним мен не қилай
Севгинг оқлаш чун,
Фақат сенга дилим ёзай
Шафқат қил бу кун.

Неларни дер имо билан
Шаҳло кўзларинг,
Жон озиғи эрур менга
Ширин сўзларинг.

СЕН КЕЛМАСАНГ

Ҳажрингда куйдим эй пари, келмайсанму?
Ишқинг ўтида ёнганим сезмайсанму?
Мен томон бир қайрилиб сен, боқмайсан ҳеч
Айтчи, мен севаман, ё сен севмайсанму?

Изтиробим ошар бисёр, сен келмасанг,
Кўзларда ёшим шашқатор, сен келмасанг,
Юракда ёнган ўтим гар сен билмасанг,
Яшашдан мақсад недур,
гар сен келмасанг.

Кел ёнима, эй пари қилмай интизор,
Нурафшон этгил ғариб кулбамни ҳарчанд,
Фақат сенла ҳаётим бўлур бахтиёр
Фақат сенла ҳамиша иқболим баланд.

Бир умр менга туганмас бахт ато этган
Сенинг ширин сўзингу, шаҳло кўзингдир,
Фироқ азобига чидашга сабр берган
Сенинг оташ, мусаффо муҳаббатингдир.

Кел маликам, ўксик кўнглим айла шод,
Баҳра олсин суҳбатингдан чанқоқ дилим,
Изларингдан гуллар унсин, бўлсин обод,
Очилиб гулзоримда яна бир гулим.

АТЛАС КЎЙЛАКЛИ ҚИЗ

Кеча шаҳар боғида
Айни саҳар чоғида
Атлас кўйлакли қизни
Кўриб, қолдим доғида.

Кўйлак устидан нимча
Беллари бунча хипча
Менга қараса пича
Севардим мен ўлгунча.

Қарамаса ҳам майли,
Мен томонга ул пари
Атлас кўйлагин кийиб,
Бўлсин қизлар сарвари.

Ҳар бир босган изидан
Гуллар унсин бетакрор,
Атлас кўйлак рангидан
Олсин улар ранг, оҳор.

Атлас қўшибди қизнинг
Ҳуснига минг бор ҳусн,
Уволига йигитларнинг
Қолмасму атлас бу кун.

Атлас кийган қизларжон,
Бўйинга тақинг маржон,
Йигитларни куйдириб
Товланинг алвон-алвон.

***

Бўлсин десанг ҳаётинг гўзал
Ўз касбинг ўргангил мукаммал.

Ёшлигингдан асрагил соғлиғинг
Билки, бу сенинг битмас бойлигинг.

Давраларда сен кўпроқ сукут қил
Тинглашни ҳардам афзалроқ бил.

Қабиҳлик гар бўлса ҳукмрон,
Ҳақиқат қилинур тош бўрон.

* * *

Бўлсин десанг ҳамиша иқбол сенга ёр
Истасанг ошишин обрў-иззатинг яна минг бор
Ҳалол бўл, меҳнат қилгил тер тўкиб бисёр
Билки, ҳалоллигу, меҳнатда ажиб бир ҳикмат бор.

* * *

Қалбакилик фазилат эмас инсонга асло,
Соф виждон эгаси бўлмас анга ҳеч мубтало.
Ўйнагил, гапир, кулгил сен фақат чин дилингдан
Самимият барқ урсин ҳар бир айтган сўзингдан.

* * *

Фироқингда хастамен, хастадир дилим,
Излай анинг давосин энди мен қайдин.
Фақат, фақат ёр висолин истаб кўнглим
Шифосин топгайсан дер ёр бўсасидан.

Абдулла ШОНОСИРОВ.

«ОНА-ЮРТ КУЙЧИСИ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарийлар! Эътиборингизга ҳавола этилган ушбу машқ шоир Азим Суюннинг «Сайланма» китоби асосида тузилган. Аввал қуйида таърифланган ва мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. «Ўзбек, Ўзбекистон!» шеъридан:

«Ўтди жаҳон ичра не турфа жаҳон,
Турфа жаҳон ичра не турфан даврон,
Турфа даврон ичра не турфа имкон,
Турфа имкон ичра — 18, 9, 23, 22, 9, 6, 22, 2, 6
тан-жон, ўзбек, Ўзбекистон!»

2. «Нур каби...» шеъридан:

«Сирдарём, Амударём — жоним — 16, 1, 15, 9, 3, 2, 4
менинг,
Амударём, Сирдарём — Ўзбекистоним менинг».

3. Достондан:

«Улуғ Туркистоннинг битта бўлаги —
Билки 5, 7, 8, 27, 20, 2, 28, 10, 9, 3 бир сиймо монанд,
Муножот қилгандир! — 17, 9, 11, 3 тилаги.
Кўрмай ишонаман — мен саодатманд!»

4. «Сарбадорлар» драматик достони қаҳрамони — 20, 1, 26, 1, 19, 2, 23.

5. «Ватан гимни» шеъридан:

«Пойдор бўл, элдор бўл, Ўзбекистон,
Ўз туғинг, ўз 10, 25, 14, 6, 9, 3, 12 — бахт-иқбол, яша!
Кураш, бу — мангулик ҳақиқат ва шон.
Толеингда абад истиқлол, яшна!
Истиқлол йўлига балли!
Истиқбол йўлига балли!»

6. «Тарвақайлаб ўсган шохшабба,
Бир дарахтга айланган кундир, —
Кўтаргум мен офтобранг бода.» —
сатрлари битилган шеър — 10, 25, 6, 9, 3, 13, 6, 10.

7. «Тандир бошида» шеъридан:

«— Ҳозиргина уздим тандирдан,
Дўстдай ҳамроҳ бўлгайдир, болам, —
Йўловчига 21, 2, 3 сидқидилдан
Нон тутади қўш қўллаб онам».

8. «Жалолиддин Мангуберди (тарихий лавҳа)дан:

«— Алқасос!
Волидам — юртим ҳаққи!
Болаларим — юртим ҳаққи!
Халқим — юртим ҳаққи!
Сен менга 24, 25, 22, 6, 1, 10 бер, Оллоҳ!»Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб ўйланмани топинг. Унда ижодкорнинг яна бир асаридан ўн мисра аён бўлади. Ушбу сатрлар қайси шеърга мансублигини биласизми?

Тузувчи:
Фозилжон ОРИПОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ» ЎЙЛАНМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Белгиланган хонадан соат мили бўйича:

1. Кайковус. 2. Кимё, 3. Хоразмий, 4. Осим. 5. Фалакиёт. 6. «Тажвид». 7. Мактаб. 8. Жадвал. 9. Устурлоб. 10. Шарҳ. 11. Қошғарий. 12. Изоҳ. 13. Ҳожинова. 14. Бобур. 15. Қавс. 16. Румий. 17. Фарғоний. 18. Иншо. 19. Фармонов. 20. Баён. 21. Наршахий. 22. Мантиқ. 23. Маориф. 24. Бадиҳа. 25. Тафаккур. 26. Араб. 27. Мударрис. 28. Сино. 19. Абжадхон.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1 Фитрат. 2. «Сайдана». 3. «Имом ал-Бухорий». 4. Ичи тўлмиш. 5. Муҳандис.

Ҳикмат: Ҳамма хайрли ишлар билим нафидир,
Билим ҳатто осмон сари йўл очур.



Спорт

ЗЎР ТОМОША БЎЛДИ

Бокс спортнинг қизиқарли ва оммавий турларидан. Айниқса, халқаро учрашувлар кескин ва муросасиз баҳсга айланиши билан мухлисларни ҳаяжонга солади. Тошкентда биринчи марта профессионал боксчилар ўртасида Паносиё чемпиони номи учун уюштирилган мусобақа кўпчиликни ром этди. Боиси, ишқибозлар кўпроқ ҳаваскорларнинг уч раундли ўйинларига ўрганиб қолишган. Бир пайтлар эса номлари достон бўлган боксчилар ҳам қизғин баҳснинг учинчи раундига борганда «шилқиллаб», бир-бирларига суяниб қолардиларки, уларнинг имкониятлари анчайин чегараланганлиги аён бўларди.

«Санъат саройи»га ўрнатилган халқаро андозаларга мос рингда ўтказиладиган тўртта учрашувдан мамнуният ҳосил қилдик. Бизни қувонтиргани шу бўлдики, юртимиз ўғлонлари ҳам кўп раундли жангларни ўтказишга қодир эканлар. 12 раундгача бўлган олишувларда йигитларимиз деярли чарчаш нималигини билмадилар. Ишқибозлар эса бундай баҳслардан кўпроқ нокдаун ва нокаут зарбаларини кутадилар. Зеро, бу сафар бундай зарбалар бўлмаган бўлса-да, мухлислар олишувлардан қониқиш ҳосил қилдилар. Жумладан, боксни ўзига касб деб билган ўғлонларимиздан Абдували Шомирзаев билан Андрей Ферпаковский олти раундли баҳсда ажойиб томоша кўрсатишди. Очколар ҳисобида Абдувалининг қўли баланд келди. Қозоғистонлик Икорь Биков билан юртдошимиз Фарҳод Бакиров ўзаро саккиз раундли баҳсда иштирок этишди. Зарбаларни аниқ бера олган Фарҳод ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Қозоғистонлик Талгат Абдикаликов билан Рихсибой Шомирзаев учрашуви ҳам курашларга бой бўлди. Ғолибни аниқлаш осон бўлмади. Ҳакамлар бир очко ортиқ ҳисобида ғалабани меҳмонга беришни лозим топишди.

Паносиё чемпиони белбоғини қўлга киритган қозоғистонлик Қанот Сехимбов билан боксчимиз Фарҳод Арслонов 12 раунд мобайнида олишдилар. Албатта Қанотнинг тажрибали экани кўзга ташланиб турди. У рақибини таъқиб қилишни қўймади. Фарҳод эса бешинчи, еттинчи, саккизинчи раундларда ташаббусни қўлга олди. Лекин очколар ҳисобидан ғалабани Қанот «илиб» кетди. Шундай қилиб, қозоғистонлик бу йигит Паносиё чемпиони унвонини иккинчи марта сақлаб қолди. Муҳими мухлислар профессионал бокс тобора оммалашиб бораётганидан қаноат ҳосил қилдилар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «ЮНР» масъулияти чекланган жамиятга тегишли 851301 дан 851350 гача бўлган рақамли чек дафтари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими, кекса журналист

Шобарот КУЗАНБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдарлик билдиради.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ —
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-47-80, 133-38-55.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0808

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА